

## КЎЧА БЎЙЛАБ АВТОМОБИЛЛАР ТЎХТАБ ТУРИШ МИНТАҚАЛАРИДА ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**М.Дарабов**

т.ф.н., Тошкент давлат транспорт университети,  
Ўзбекистон, Тошкент  
[darabovmuzrap@gmail.com](mailto:darabovmuzrap@gmail.com)

**С.К.Худайбергенов**

Тошкент давлат транспорт университети,  
Ўзбекистон, Тошкент  
[sardor\\_544-14@mail.ru](mailto:sardor_544-14@mail.ru)

**Д.Торешов**

Қорақалпоқ давлат университети,  
Ўзбекистон, Нукус

***Аннотация:** Бугунги кунда бутун дунё бўйича ЙТХдан етқизилаётган зарарларни бартараф этиши учун кўпгина илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу мақоламизда асосан автомобиллар тўхтаб туриш минтақалари атрофи ўрганилган бўлиб Тошкент шаҳар асосий кўчаларидаги ЙТХларнинг ўрганиши ҳолатлари келтирилган.*

***Калит сўзлар:** минтақа, йўл, транспорт, ЙТХ, тўқнашув, тўсиқларга урилиш, пиёда, автомобиль.*

## АНАЛИЗ ДОРОЖНО-ТРАНСПОРТНЫХ ПРОИСШЕСТВИЙ В ЗОНАХ ПАРКОВКИ ВДОЛЬ УЛИЦЫ

**М.Дарабов**

к.т.н, Ташкентский государственный транспортный университет,  
Узбекистан, г.Ташкент

**С.К.Худайбергенов**

Ташкентский государственный транспортный университет,  
Узбекистан, г.Ташкент

**Д.Торешов**

Каракалпакский государственный университет,  
Узбекистан, г.Нукус

**Аннотация:** *Сегодня во всем мире проводится большая научная работа по устранению ущерба от дорожно-транспортных происшествий. В данной статье изучены окрестности стоянок автомобилей, представлены случаи дорожно-транспортных происшествий на центральных улицах города Ташкента.*

**Ключевые слова:** *регион, дорога, транспорт, ДТП, наезд, наезд на препятствия, пешеход, автомобиль.*

## ANALYSIS OF TRAFFIC ACCIDENTS IN PARKING AREAS ALONG THE STREET

**M.Darabov**

candidate of Technical Sciences, Tashkent State Transport University,  
Tashkent, Uzbekistan

**S.K.Khudaybergenov**

Tashkent State Transport University,  
Tashkent, Uzbekistan

**D.Toreshov**

Karakalpak State University,  
Nukus, Uzbekistan

**Abstract:** *Today, a lot of scientific work is being carried out all over the world to eliminate damage from road traffic accidents. In this article, the surroundings of car parking are studied, cases of traffic accidents on the central streets of the city of Tashkent are presented.*

**Key words:** *region, road, transport, traffic accident, collision, collision with obstacles, pedestrian, car.*

Автомобил йўлларидан ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш бугунги кундаги муҳим муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Бутун дунёда автомобиль саноати ўсгани сари инсонларнинг йўл транспорт ҳодисаларидан жабр кўриш эҳтимоли ошиб бормоқда. Бугунги кунга келиб йўл транспорт ҳодисаларидан энг кўп азият чекадиганларнинг катта ҳиссаси ривожланаётган ва нисбатан қолоқ мамлакатларга тўғри келмоқда. Транспорт инфраструктурасини яхши йўлга қўйган иқтисоди бой мамлакатлар эса бу муаммоларни бирин кетин енгиб бормоқда.

Маълумотларга кўра ҳар йили 1.3 миллион одам йўл транспорт ҳодисаси қурбони бўлишади. 20-50 миллион одам жароҳатланади ва улардан кўпчилиги ногирон бўлиб қолишади. Йўл -транспорт ҳодисалари одамларга, уларнинг оилаларига ва умуман давлатларга катта иқтисодий зарар келтиради. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун унга илмий ёндошиш, унинг барча серқирра жараёнларини таҳлил этиш зарур. [2]

Бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисалари сонининг ортишига кўча бўйлаб автомобиллар тўхтаб туриш жойларидаги транспорт воситалари ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда [1].


2017-2021 йилларнинг кўрсаткичларига қараганда Норвегия мамлакатида автомобиллар туриш жойи билан боғлиқ бўлган ЙТХлар, умумий ЙТХларининг 2,4% ташкил этади, яъни тўхтаб турган автомобилларга урилиш 30% ни, тўхтаб турган автомобилларнинг оралигидан чиқиб қолган пиёдаларни уриб юбориш 25% ни, тўхтаб турган автомобилларни айланиб ўтишдаги тўқнашувлар 15% ни ҳамда тўхтаб туриш жойларига киришдаги ЙТХлар 8% ни ташкил қилади [3].

Бугунги кунда Республикамизда, жумладан [4] пойтахтимизда аҳоли сонининг ортиши натижасида транспорт воситаларининг миқдорини ортиши кузатилмоқда, бу албатта шахримиз кўчаларидаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишини қийинлаштириб, йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайишига олиб келмоқда. Албатта, бу йўл-транспорт ҳодисаларига турли омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда, масалан: ҳаракат миқдорининг ортиши; транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларини тўғри ташкил қилинмаганлиги, пиёдаларнинг йўлларда тартибсиз ҳаракатланишига йўл шароитининг талабга жавоб бермаслиги ва х.к. Жумладан, пойтахтимиздаги магистрал кўчалар ҳисобланган А.Темур,

Ипак йўли, Шахрисабз, Ш.Руставели ва У.Носир кўчаларида ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар А.Темур кўчасидаги йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қиладиган бўлсак 2017 йилда 56 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган бўлса 2018 йилда 64 та, 2019 йилда 91 та, 2020 йилга келиб йўл-транспорт ҳодисаларининг сони 98 тага етганлиги ва 2021 йилда бу кўрсаткич 64 тани ташкил қилади. Йўл-транспорт ҳодисаларини турлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак биринчи навбатда пиёдаларни уриб кетиш юқори салмоққа эга. Кейинги ўринларда эса тўқнашув ва бошқа йўл-транспорт ҳодисалари туради. Бу йўл-транспорт ҳодисаларини фоиз кўринишида изоҳлайдиган бўлсак, 2017 йилда пиёдаларни босиб (уриб) кетиш энг юқори кўрсаткични эгаллайди, яъни 64,2% ни,


туқнашув 26,7% ни, бошқа (қолган) йўл-транспорт ҳодисалари 5,3% ни, велосипедчини босиб (уриб) кетиш 1,7% ни ва тўсиқларга урилиш 1,7% ни ташкил этган. 2018 йилда пиёдаларни босиб (уриб) кетиш 60,9% ни, туқнашув 29,6% ни бошқа (қолган) йўл-транспорт ҳодисалари 6,25% ни, велосипедчини босиб (уриб) кетиш 1,5% ни ва тўсиқларга урилиш 1,5% ни, ташкил этади. 2019 йилда пиёдаларни босиб (уриб) кетиш 63,7% ни, туқнашув 17,5% ни, бошқа (қолган) йўл-транспорт ҳодисалари 5,4% ни, тўсиқларга урилиш 4,3% ни ташкил этади. 2020 йилда пиёдаларни босиб (уриб) кетиш 68,3% ни, туқнашув 22,4% ни, бошқа (қолган) йўл-транспорт ҳодисалари 2% ни, тўсиқларга урилиш 6,1% ни ташкил этади. 2021 йил ҳолатига пиёдаларни босиб (уриб) кетиш 64,5% ни, туқнашув 25% ни, бошқа (қолган) йўл-транспорт ҳодисалари 2% ни, тўсиқларга урилиш 6,25% ни, ағдалириб (тўнтарилиб) кетиш 2% ни ташкил этади.

А.Темур кўчасидаги йўл-транспорт ҳодисаларидан умумий ҳулоса чиқарадиган бўлсак, бу ерда пиёдаларни босиб (уриб) кетиш энг юқори кўрсаткични эгаллайди яъни 64,4%, туқнашув 28,8% ни ташкил қилади, қолган йўл-транспорт ҳодисаларини миқдорини 1-расмдан кўришимиз мумкун.



**1-расм. 2017-2021 йилларда А.Темур кўчасидаги йўл-транспорт ҳодисаларини турлари бўйича тақсимланиш циклограммаси.**


2017 йилда Шаҳрисабз кўчасида 18 та ЙТХ содир этилган бўлиб, уларда 21 киши жароҳат олган, ҳалок бўлганлар йўқ. Умумий ЙТХларни 27,7% и пиёдали босиб (уриб) кетиш бўлса, 72,3% и тўқнашудан иборат. 2018 йилда Шаҳрисабз кўчасида 32 та ЙТХ, содир этилган бўлиб, 42 киши жароҳат олган, 4 киши ҳалок бўлган. Ундан 37,5% и пиёдали босиб (уриб) кетиш бўлса, 59,3% и тўқнашув, 3,1% и тўсиқларга урилиш бўлган. 2019-йилда Шаҳрисабз кўчасида 32 та ЙТХ содир этилган бўлиб, 40 киши жароҳат олган, ҳалок бўлганлар йўқ. Уларни 31,3% и пиёдали босиб (уриб) кетиш 68,7% и тўқнашув ҳисобланади. 2020 йилда Шаҳрисабз кўчасида 26 та ЙТХ содир этилган бўлиб, 37 киши жароҳат олган, 1 киши ҳалок бўлган. Унда 26,9% и пиёдали босиб (уриб) кетиш ҳисобланса, 57,6% и тўқнашув, 15,3% и тўсиқларга урилиш бўлган. 2021 йилда Шаҳрисабз кўчасида 19 та ЙТХ содир этилган бўлиб, 28 киши жароҳат олган, ҳалок бўлганлар йўқ. Бу ЙТХларни 63,1% и пиёдали босиб (уриб) кетиш ҳисобланса, 31,5% и тўқнашув ва 5,2% ни тўсиққа урилиш ташкил қилади.



## 2-расм. 2017-2021 йилларда Шаҳрисабз кўчасидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг турлари бўйича тақсимланиш циклограммаси.

2017 йилда Ш.Руставелли кўчасида 9 та ЙТХ содир этилган бўлиб, унда 11 киши жароҳат олган, ҳалок бўлганлар йўқ. Бунда 7 таси пиёдали босиб (уриб) кетиш бўлса, 2 таси эса тўқнашув бўлган. 2018 йилда Ш.Руставелли кўчасида 7 та ЙТХ содир этилган бўлиб, унда 6 киши жароҳат олган, 1 киши ҳалок бўлган. Бу ЙТХлардан 5 таси пиёдали босиб (уриб) кетиш бўлса, 2 таси

тўқнашув бўлган. 2019 йилда Ш. Руставелли кўчасида 14 та ЙТХ содир этилган бўлиб, унда 17 киши жароҳат олган, ҳалок бўлганлар йўқ. Улардан 9 таси пиёдани босиб (уриб) кетиш бўлса, 5 таси тўқнашув ҳисобланади. 2020 йилда Ш. Руставелли кўчасида 7 та ЙТХ содир этилган бўлиб, унда 7 киши жароҳат олган, ҳалок бўлганлар йўқ. ЙТХлардан 6 таси пиёдани босиб (уриб) кетиш бўлса, 1 таси тўқнашув бўлган. 2021 йилда Ш.Руставелли кўчасида 33 та ЙТХ содир этилган бўлиб, 38 киши жароҳат олган 3 киши ҳалок бўлган. Улардан 23 таси пиёдани босиб (уриб) кетиш бўлса, 6 таси тўқнашув, 1 таси турган транспорт воситасини уриб кетиш, 1 таси велосипедчини босиб (уриб) кетиш, 2 таси бошқа (қолган) ЙТХлар бўлган.



### 3- расм. 2017-2021 йилларда Ш.Руставелли кўчасидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг турлари бўйича тақсимланиш циклограммаси

2017 йилда У.Носир кўчасида 63 та ЙТХ содир бўлган бўлиб, 73 киши жароҳат олган, 4 киши ҳалок бўлган. Улардан 30 таси пиёдани босиб (уриб) кетиш ҳисобланса, 21 таси тўқнашув, 7 таси тўсикларга урилиш, 1 таси ағдарилиб (тўнтарилиб) кетиш, 1 таси турган транспорт воситасини уриб кетиш, 3 таси бошқа (қолган) ЙТХлардир. 2018 йилда У.Носир кўчасида 75 та ЙТХ содир бўлган. Уларда 88 киши жароҳат олган, 3 киши ҳалок бўлган.

Бу ЙТХларни 42 таси пиёдани босиб (уриб ) кетиш бўлса, 27 таси тўқнашув, 2 таси тўсиқларга урилиш, 1 таси ағдарилиб (тўнтарилиб) кетиш, 3 таси бошқа (қолган) ЙТХлар ҳисобланади. 2019 йилда У.Носир кўчасида 73 та ЙТХ содир бўлиб, уларда 92 киши жароҳат олган, 4 киши ҳалок бўлган. ЙТХлардан 46 таси пиёдани босиб (уриб) кетиш бўлса, 21 таси тўқнашув, 4 таси тўсиқларга урилиш, 1 таси ағдарилиб (тўнтарилиб) кетиш, 1 таси бошқа (қолган) ЙТХлар ҳисобланади. 2020 йилда У.Носир кўчасида 49 та ЙТХ содир этилган бўлиб, унда 53 киши жароҳат олган, 2 киши ҳалок бўлган. Улардан 27 таси пиёдани босиб (уриб ) кетиш ҳисобланса, 16 таси тўқнашув, 2 таси тўсиқларга урилиш, 3 таси бошқа (қолган) ЙТХ ҳисобланади. 2021 йилда У.Носир кўчасида 40 та ЙТХ содир бўлган бўлиб, уларда 48 киши жароҳат олган, 6 киши ҳалок бўлган. Ундан 24 таси пиёдани босиб (уриб) кетиш бўлса, 11 таси тўқнашув, ва 2 таси тўсиқларга урилиш, 9 таси бошқа (қолган) ЙТХ ҳисобланади.

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак Республикамизда охириги ўн йил ичида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ўртача бир йиллик сони 10-11 мингтадан пастга тушмаётганлиги, бунинг натижасида эса Республикамиз фуқароларидан икки мингдан ортиқ киши ҳалок бўлиши ва 12 минг киши тан жароҳати олиши қайд этилмоқда [5]

Юқоридаги рақамларга эътибор берадиган бўлсак йўл-транспорт ҳодисаларининг оқибатида минглаб одамларнинг жароҳат олаётганлигини, ҳалок бўлаётганлигини ва жуда кўплаб иктисодий зарар келтираётганлигини кўришимиз мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. "Транспорт соҳасидаги халқаро мутахассисларни тайёрлаш", doi: 10.24412/2181-1385-2022-1-602-605.
2. <https://carzone.uz/post/yol-transport-hodisalari-xxi-asrning-jiddiy-muammosi>
3. [https://www.madi.ru/spravochnik/part3\\_3\\_14.html2021g.Moskva](https://www.madi.ru/spravochnik/part3_3_14.html2021g.Moskva)
4. Мамаев Ғ.И., Дарабов М. “Тошкент шаҳар истиклол кўчасидаги йўл транспорт ҳодисаларининг таҳлили” «Проблемы внедрения инновационных проектов и технологий в производство» Республиканская научно-техническая конференция. Джизак 15-16 мая 2009 г. 60-62 б.
5. Азизов Қ.Х. Ҳаракат хавфсизлиги хизматлари асослари. -Т.: ТАЙИ, 2009.- 119б.